

---

## Бешариқ туманида ғалла ўрим-йиғим мавсуми бошланди

Бугун туман ҳоқими Расулжон Жўраев "Водий насли парранда" фермер хўжалигида бўлиб, ғалла ўрим-йиғим мавсуми бошланишига бағишланган тадбирда иштирок этди.

Дастлаб ҳоқим ғалла ўримига тайёргарлик жараёнлари, комбайнларнинг мавсумга шайлиги ҳолати билан танишиди ва фермер хўжалиги дала майдонида пишиб етилган бошоқли дон ҳосили кўздан кечирди.

Ғалла дала майдонида туман сектор раҳбарлари, туман ҳоқими ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар, нуронийлар иштирокида ҳосилга барака тилаб, дуолар қилинди ва туманда ғалла ўрим-йиғим мавсуми бошланди.

2023-06-08 10:16:24